

ФОТОЖУРНАЛИСТИКАДА АХЛОҚ МАСАЛАСИ



Хилола ФАЙЗУЛЛАЕВА

ўқитувчи

халқаро журналистика факультети

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аннотация

Мақолада фотожурналистикада этика, фотожурналистларнинг турли вазиятларда ахлоқ принципларига риоя қилишлари ҳамда фоторепортёр ва аудитория ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишида касбий ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари таҳлил қилинган, шунингдек, фоторепортёрлар и папараццилар фаолиятидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: фотожурналистика, касбий ахлоқ, фоторепортёр, папарацци, оммавий ахборот воситалари, факт, ахлоқ кодекслари.

ЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ФОТОЖУРНАЛИСТИКИ

Хилола ФАЙЗУЛЛАЕВА

преподаватель

факультет международной журналистики

Узбекский государственный университет мировых языков

Аннотация

В статье анализируются вопросы этики в фотожурналистике, следование этическим принципам фотожурналистов в различных ситуациях и этическим правилам в формировании отношений фоторепортера и аудитории, а также рассматриваются различия и сходные стороны в деятельности фоторепортёров и папарацци.

Ключевые слова: фотожурналистика, профессиональная этика, фоторепортёр, папарацци, средства массовой информации, факт, этические кодексы.

THE PROBLEMS OF BEHAVIORS IN PHOTOJOURNALISM

Hilola FAYZULLAEV

Teacher

The Faculty of International Journalism

Uzbekistan State University of World Languages

Abstract

The article analyzes ethical issues in photojournalism, following the ethical principles of photojournalists in various situations, ethical rules in shaping the attitude of the photo reporter and the audience, as well as differences and similar aspects in the activities of photo reporters and paparazzi.

Keywords: photojournalism, professional ethics, photo reporter, paparazzi, mass media, fact, ethical codes.

XX асрнинг бошида Европа ва Америкада босма оммавий ахборот воситалари ривожланиб ва аудитория онгини бошқаришда фаоллашди. Бу йўналишда турли усуллар қўлланиши оқибатида бевосита ахлоқ қоидаларининг бузилиши кузатила бошланди. Совуқ уруш йиллари The Washington Post газетаси ҳукуматнинг қаршилигига қарамай, Пентагоннинг совет сув ости кабелига жойлаштирилган эшитиш қурилмаси ҳақида материал чоп этади. Кейинчалик мақола муаллифи Бэн Брэдли “Биз мақолани ҳар қандай қаршилиқларга қарамай чоп этдик. Аммо кейин нима бўлди деб ўйлайсиз? Ҳеч нарса. Қуёш яна ҳар кунгидек бош кўтариб, нур соча бошлади”(1). Рус назариётчиси Д.Аврамовнинг фикрига кўра, дастлабки касб ахлоқи кодекслари журналистларга оддий талабларни қўйган: холисликка риоя этиш, шахснинг қадри ва шаънини ҳурмат қилиш, пора олмаслик... Ушбу ахлоқ кодексларининг муаллифлари, асосан, Ж.Ст. Милл, Ж. Мильтон ва Т.Джефферсоннинг либертариан ғоялари таъсирида бўлганликларини яққол сезиш мумкин (2).

Аммо фан-техниканинг ривожини, ахборотнинг кўпайиши бу талабларнинг янада қатъийлаштирилишини тақозо этди. 1954 йили Франциянинг Бордо шаҳрида ўтказилган Халқаро журналистлар федерацияси томонидан “Журналистлар фаолиятининг принциплар декларацияси” (“Declaration of principles on the conduct of journalists”) (1) қабул қилинди ва у бугунги кунда дунёдаги барча журналистлар учун умумий бўлган ўнта принципни қабул қилди. Ушбу принциплар 1983 йилнинг 20 ноябрь куни Парижда бўлиб ўтган Халқаро журналистлар федерацияси анжуманида ЮНЕСКО ташаббуси билан қайта таҳрирдан ўтказилди(1):

1. Фуқароларнинг холис ахборотга бўлган ҳуқуқи.
2. Воқеаларни холис ёритиш — журналист бурчидир.
3. Журналистнинг ижтимоий масъулияти.
4. Журналистнинг касбий адолатлилиги.
5. Жамиятнинг ахборотга эгаллиги ва ОАВда қатнашиш.
6. Шахсий ҳаёт ва шахсга бўлган ҳурмат.
7. Жамият манфаатларини ҳурмат қилиш.
8. Умумий қадриятлар ва маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш.
9. Инсониятга хавф солаётган уруш ва бошқа хатарларга қарши кураш.
10. Янги халқаро ахборот ва коммуникацион тартибнинг ривожланиши.

Мазкур ахлоқий тамойиллар журналистиканинг асосий йўналишларидан бири – фотожурналистикага ҳам тегишлидир. Зеро, журналистик материалнинг ажралмас қисми ҳисобланган фотосурат аксарият ҳолатларда мустақил ахборот манбаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Сўнгги йиллари Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг сони кескин ошди. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг сони бир минг беш юз ўнтадан ошди. Уларнинг мингдан зиёди анъанавий ОАВ бўлса, қарийб тўрт юзтаси интернет нашрлари эканлиги миллий масс-медиа маконида электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни тобора ортаётганидан далолат бермоқда (3). Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2016 йилда қирқ иккита босма, тўқсон иккита электрон оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган. Соҳада хусусий секторнинг салмоғи ортмоқда. Жорий йилнинг бошида давлатга қарашли бўлмаган ОАВ сони тўққиз юз етмиш бештага етган, яъни миллий масс-медиа майдонининг 63,4 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келган (3).

Мазкур ОАВда фаолият юритаётган журналистлар, хусусан, фотожурналистлар касб ахлоқига риоя этишда қайси мезонларга таяниб иш кўришлари лозим?

Журналистлар профессионал мажбуриятларини бажаришда риоя қилиши керак бўлган асосий ахлоқий-этик йўналишлар мавжуд. Унда журналист жамият олдидаги касбий мажбуриятини тўлақонли тушуниб етиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий масалаларни ёритишда холислик тамойилига риоя қилиши, ҳаёт ҳақиқатларини ҳаққоний ва холисона акс эттириши, холис ёндашув ва нейтрал позициядан келиб чиқиб, одамларни ташвишга соладиган ҳолатларни жамоат муҳокамасига олиб чиқиши ва республикамиз миллий манфаатлари, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат ва муҳофаза қилиши, мамлакатда ички сиёсий барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик, конфессиялараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш йўлида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилган (4).

Агарда журналист томонидан ёлғон маълумотни тарқатиш ёки ҳақиқийсини яширганлик учун тўлов олинса, унинг бу иши жиддий касбий жиноят сифатида талқин этилади. Нотўғри маълумотлар ёки фактлар тарқалган тақдирда эса журналист дарҳол шу ОАВда ўз айбини тан олиши ва хатосини тuzатиши керак. Шунингдек, журналист жамият манфаатлари, шахсининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказувчи қайдларни ОАВда чоп этилишига йўл қўймаслиги ва ҳамкасбларининг касбий ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиши, адолатли рақобат қонунларига риоя этиши, шахсий мулк ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, бегона фикрлар ва асарлар, материалларни қисман ёки тўлиқ ўзлаштирмаслиги, ҳеч қачон плагиат билан шуғулланмаслиги лозим (5). Бугунги кунда журналистиканинг ажралмас қисми бўлган фотожурналистика юртимизда ҳам ривожланиб бормоқда.

Фотожурналистика муаммолари хануз тўлиқ тадқиқ этилмаган “кўриқ”дир. Зеро, айнан ОАВда фаолият юритаётган фотожурналистлар ўз фаолиятлари жараёнида бир қанча муаммоларга дуч келадилар. Ана шулардан бири фотожурналист фаолиятидаги ахлоқ масалаларидир. Фотожурналист суратга олиш жараёнида техник томон асосий эмаслигини, аксинча унинг мазмуни ва этикаси муҳимлигини англаши керак. Машҳур фоторепортёр Клифф Эдом ўзининг “Фотожурналистика” асарида бир фоторепортаж тарихини келтириб ўтган (6). Эдом машҳур шифокор Джон Мерил ҳаёти ва фаолияти ҳақида фоторепортаж тайёрлайди, у орқали фотожурналистика этикаси тарихи ҳақида маълумот беради. Мухаррирлардан расмлардан нотўғри фойдаланмасликларини сўрайди. Журналистик ахлоқ борасида журналист ва фоторепортёр тайёрланадиган материали туфайли турли зиддиятларга дуч келиши мумкин. Баҳсли янгилик материалларида, масалан, ота вафот этган ўғли учун аза тутади. Журналист бу пайтда блокнотини яширган ҳолда “кадр ортида” қолиши мумкин. Фоторепортёр эса бундай қилолмайди. Шундай пайтда кўпчиликка сездирмай, яширинча суратга олиш эҳтимоли ҳам бўлиши мумкин. Аммо бундай суратлар камдан-камҳолларда сифатли чиқади. Бунда манбанинг рухсатисиз яширин камерадан фойдаланиш мумкин эмаслигини ҳам журналист ёдда тутмоғи лозим. Бугунги кунда фотожурналистикада “машҳурлар орқасидан кувиш” ҳолати кузатилмоқда. Баъзида оиласи ҳақида омма билишини истамаган инсонларнинг суратлари газеталарнинг биринчи саҳифасида нашр қилинади. Одатда, бундан кўпинча машҳур инсонлар, шоу бизнес юлдузлари азият чекишади. Жаҳон фотожурналистикасида бундай ҳолатларга кўплаб дуч келамиз. Масалан, фотожурналист, Пулитцер мукофотининг совриндори Тейлор Портис Хикснинг доимий шиори: “Суратни қўлга кирит, қолган ҳеч нарса муҳим эмас” эди (6). 1970-йиллари сенсация ортидан кувиш, инсонларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига риоя этмаслик, фотожурналистикада бир қанча ахлоқий муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, Бруно Хауптнинг суд жараёнидан тайёрланган фоторепортажи бунга яққол мисол бўла олади. У учувчи Чарлз Линдбергнинг фарзандини ўғирлаб кетиб, ўлдирган эди. Фоторепортёрнинг душманлари жанжал уюштириб, унинг номини булғайдилар. Ушбу воқеадан сўнг АҚШда суд жараёнида фотожурналистнинг қатнашиши мумкин ёки мумкин эмаслиги хусусида янги қонун жорий этилди (7). Яна бир мисол. Фотооепортёр Рон Галлела миллиардер Джек Онасис ва унинг оиласини суратга олиб, Онасиснинг биргина сурати орқали йигирма миллион АҚШ доллари ишлаб олади. У Онасиснинг оиласини ҳам доимий равишда кузатиб юрган. Бир куни Онанис фарзандлари билан йўлда кетаётганида буталар орасидан сакраб чиқиб, “Мени яна кўрганингдан хурсандмисан, Джек?” деганича, уни

кўрқитиб юборган. У ҳатто юнон кемачилари каби кийиниб олиб, Чаён оролида Онасис қуёшда тобланиб ётганида суратга олган эди. Кейинчалик эса бу суратни “Хастлер” журналида чоп эттиради. Судда эса Галлела шунчаки ўзининг журналистик материали учун ҳақ олмоқчи бўлганлигини таъкидлайди. Суд унга Онасисга бундан кейин саккиз метргача бўлган масофада яқинлашмаслиги хусусида қарор чиқаради ва фотожурналистга 120 миллион АҚШ доллари миқдорида жарима солиб, Онасис ва унинг оиласига яқинлашмаслиги тўғрисида тилхат ёздириб олишади (6). Фоторепортёр Росс Баугман “машҳурлар ҳам бизга ўхшаган оддий одамлар. Фақат фарқи уларни омма танийди, уларнинг ҳаёти оддий одамга нисбатан оммага қизиқроқ” деган эди (7).

Фотожурналистикада ахлоқ масалаларига тўхталар эканмиз унинг баъзи бир амал қилиниши лозим бўлган, аммо фотожурналистлар томонидан доимо бузилиб келинадиган томонларига эътибор қаратамиз:

1. Ҳаддан ташқари инсон ҳаётига аралашув. Рухсат бериш — ҳаддан ташқари аралашувнинг олдини оладиган омиллардан бири ҳисобланади. Ахлоқ кодекслари тамойилларига кўра, очиқ, омма кўра оладиган жойларда ҳар қандай нарсани суратга олиш мумкин. Бошқа ҳолларда эса алоҳида рухсат олиниши талаб қилинади. Рухсат берган одам бунга мажбур эмаслигини фотограф доимо ёдда тутиши лозим. Яна бир жиҳат – сир тутилган маълумотни ошкор этишдир. Бу ҳолатда фоторепортёр белгиланмаган ҳудудга киришидан олдин, рухсат олган бўлиши керак.

2. Фактларни фотосуратларда нотўғри акс эттириш. Агар суратдаги шахс ёлғон жойда ёки ёлғон вазиятда акс эттирилса, бунда фоторепортёр бўхтонни ёритиш айби орқали суд залида жавоб бериши керак бўлади. Гап фотомонтаждан фойдалиш ҳақида кетмоқда.

3. Ноқонуний белгилаш. Фотожурналист учун яна бир муаммо туғдирадиган вазият, бу – махфий суратларни бошқалар номидан рухсатсиз чоп эттиришидир. Фотожурналистга кўчада исталган вақтда ва жойда суратга олиш учун рухсат берилган бўлса-да, суратни респондентнинг рухсатсиз чоп этиш ҳуқуқи берилмаган. Агар фоторепортёр бундай қонунбузарликларни яна давом эттирса, суд уни оммага ва машҳурларга яқинлашмаслиги ҳақида қарор чиқариши мумкин. Чунки қонунлар ҳар доим ҳам ахлоқий томонларни эътиборга олмайди, аммо томошабинда ҳар доим “сурат ҳеч қачон алдамайди”, деган фикр мавжуд. Фан-техника ривожланган ҳозирги замонда эса фотошопдан фойдаланиб, қалбаки суратларни тайёрлаш осон. Фотожурналистика тарихида муҳаррирларнинг пулни тежаш мақсадида қалбаки суратлардан кўп фойдаланишлари ҳам кузатилади. Ҳатто, Пулицер

мукофоти лауреатлари ҳам суратни чиройлироқ кўрсатиш учун фотомонтаждан фойдаланганлар (7).

Фотожурналистика хусусида гап кетар экан, бугунги нотинч дунёда ОАВ томонидан чоп этилаётган кўплаб шафқатсиз вазиятларни акс эттирган суратларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Зеро, бундай суратлар аксарият ҳолатларда одамларда зўравонлик ҳиссини уйғотади. Фотошоп эса омманинг журналистикага бўлган ишончини йўқотмоқда. Касбий ахлоқ принципларидан воз кечган ҳолда, зўрлаш оқибатида вафот этган жасадни оммага кўрсатиш шарт эмас, деб ҳисоблаган фотожурналист шок ҳолатига туширадиган сурат олмайди. Ўқувчи ҳеч қачон босма нашрларда кўрқинчли, шавқатсиз сурат камлиги ёки йўқлигидан нолимайди. Аммо ижобий мазмундаги суратларни кўплаб нашр қилавериш ҳам ўқувчининг ўша нашрга қизиқишини сусайтириши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда фоторепортёр қайси оммавий ахборот воситаларида ишламасин, аввало фотожурналистиканинг оддий ахлоқ меъёрларига риоя этиши, ўз фаолияти билан ўзининг ҳамда тахририятнинг имижига путур етказмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Журналистские этика и стандарты. <https://ru.wikipedia.org>.
2. Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. –М.: Изд-во Моск. унта, 2003. – С. 55.
3. Ўзбекистонда миллий масс-медиа майдонининг 63,4 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. <http://kun.uz/news/2017/01/31>.
4. Журналист маҳоратининг долзарб масалалари. 23.09.2015. <http://www.biznes-daily.uz>
5. Dennis P. Curtin The textbook of digital Photography. – USA. 2011. – p. 41
6. Photojournalism: Principles and Practices. – Dubuque, Iowa: W. C. Brown Co., 1976. ISBN 0-697-04303-7
7. Stacy Pearsall. In the trenches with combat photographer. – USA. 2013